



## БУЮРТМАЧИ:

НамМКИ академик лицейи

Наманган мухандислик қурилиш институти академик лицейи ётоқхонасида яшаётган ўқувчиларнинг уч махал имтиёзли овқатлантириш хизматини бажариб берувчи корхонани саралаш бўйича

## ТАНЛОВ ҲУЖЖАТЛАРИ

НамМКИ академик лицей -2022

## Танлов хужжатларининг мазмуни:

- I. Танлов иштирокчилари учун йуриқнома
- II. Техник қисм
- III. Нархлар қисми

### ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙУРИҚНОМА

Ушбу йуриқнома 2021 йил 22 апрелдаги №684-сонли Узбекистон Республикаси “Давлат харидлари тұғрисида” ги Конунига асосан ҳамда Үзбекистон Республикаси Адлия вазирлигіда 2018 йил 26 майда №3016-сон билан руйхатдан үтказилған Үзбекистон Республикаси Президенти хузурдагы Лойиҳа Башқаруви Миллий Агентлигининг “Харид тартиб-тамойилларини ташкил этиш ва үтказиш тұғрисидагы” тартиби асосида ишлаб чиқилди

#### 1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

1. Наманган мухандислик курилиш институти академик лицейи ётоқхонасида яшаётган үкувчиларнинг уч махал имтиёзли овқатлантириш хизматини бажариб берувчи корхонани саралаш бўйича.

Умумий урта ва урта маҳсус, қасб-хунар таълими муассасаларида соғлом овқатланишни ташкил этиш тартиби тұғрисида низомга мувофиқ амалга оширилади.

Ётоқхонада яшаётган жами 261 нафар үкувчиларни имтиёзли уч махал овқатлантириш Нонушта тушлик ва кечги таомлар Таълим муассасаларида соғлом овқатланишни ташкил этиш уларнинг ошхона ва буфетларида санитария коидалари, нормалари ва гигиена нормативларига мувофиқ шарт-шароитлар яратилған ҳолда амалга оширилади.

Академик лицейларда имтиёзли овқатланиш юридик шахс мақомига эга булган тадбиркорлық субъектлари, якка тартибдаги тадбиркорлар (бундан буён матнда таъминотчи деб аталади) ҳамда таълим муассасаси томонидан ташкил этилади.

Таъминотчи (академик лицейнинг масъул ошпази) имтиёзли овқатланиш карточасини курсатған үкувчиларга журналга тегишли белги куйган ҳолда уларнинг имтиёзли овқатланишини таъминлаши лозим.

Куйдагилар таълим муассасаларида соғлом овқатланишни ташкил этишнинг асосий вазифалари хисобланади:

укувчиларнинг физиологик ёшига мувофиқ озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабларини инобатга олган ҳолда уларнинг рационал овқатланишини таъминлаш;

озиқ-овқат маҳсулотлари ва таомларни үкувчиларнинг соғлом ўсишида мухим ахамиятга эга булган зарур моддалар билан таъминлаш;

укувчиларда тана вазнининг меъёрдан ортишининг, организмда йод моддасининг танқислиги ва моддалар алмашинуви жараёни бузилишининг олдини олиш;

озиқ-овқат маҳсулотлари ва таомларнинг хавфсизлиги ва сифатини кафолатлаш;

укувчиларда овқатланиш билан боғлик юқумли касалликларнинг кенг тарқалишига йўл қўймаслик;

Укувчилар уртасида соғлом овқатланиш қуникмаларини шакллантириш;

таълим муассасалари ошхоналарида сотилиши тақиқланган озиқ-овқат маҳсулотлари ва таомлар билан савдо қилишнинг олдини олиш;

укувчилар учун сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари ва таомлар тайёрлаш

Озиқ-овқат маҳсулотлари ва таомларни тайёрлашда хамда озиқ-овқат хом ашёсини саклашда санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига қатъий риоя этиши.

Таълим муассасалари ошхоналарида ҳафталик таомномалар Узбекистон Республикаси Боли давлат санитария врачи томонидан тасдиқланган озиқ-овқат маҳсулотларининг таркиби (рецептураси)ни белгиловчи намунавий рўйхатга асосан тузилади.

Таълим муассасалари ошхоналари ҳодимлари ошпазлик соҳаси бўйича тегишли билимга эга бўлиши ва уз малакасини доимий равишда ошириб бориши зарур.

Бир укувчи учун кунлик уч маҳал овқатлантириш харажати белгиланган базавий хисоблаш микдорининг **10 фойизигача** микдорда белгиланади.

Бунда:

эрталабки ионушта учун харажатлар — кунлик белгиланган овқатлантириш харажатининг **20 фойизидан**;

тушлик учун харажатлар — кунлик белгиланган овқатлантириш харажатининг

**45 фойизидан**;

кечки овқат учун харажатлар — кунлик белгиланган овқатлантириш харажатининг

**35 фойизидан** ошмаган ҳолда амалга оширилади.

1.2. Танлов охирги қиймати – жами курсатилган хизмат учун бюджет маблаглари хисобидан 654649000 (олти юз эллик тўрт миллион олти юз кирқ тўққиз минг) сумни ташкил этиб, танлов таклифида курсатилган нархлар максимал нархдан ошмаслиги керак. Жами бажарилган хизматлар учун қушимча қиймат солиги билан 654649000 (олти юз эллик турт миллион олти юз кирқ тўққиз минг) сум кийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилилмайди ва кўриб чиқилмайди.

1.3. Техник топширик танлов хужжатларининг техник қисмда илова қилинган.

Ушбу танлов якунлари бўйича ғолиб чиқсан ташкилот билан шартнома тузилади.

1.4. Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб 2022 йил 31 декабр гача.

## 2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1. НамМКИ академик лицей (бундан кейин “Буюртмачи” деб аталади) -танлов ташкилотчиси хисобланади.

“Буюртмачи” манзили: Узбекистон, Наманган вилояти, Наманган шаҳри, И.Каримов кучаси 12-йи.

Эл.адрес: nammqial1

2.2. Таплов “Буюртмачи” томонидан танловлар утказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан утказилади

2.3. Танлов НамМКИ академик лицейи “Буюртмачи” томонидан тузилган Харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда утказилади.

## 3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда маҳсулотни ишлаб чиқарувчи ва хизматлар курсатишга ихтисослашган, барча юридик мақомга зга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қуидаги малакавий талаблар қуйилади:

танлов предмети қийматининг камида 20 фойизи микдоридаги айланма маблагларининг ёки курсатиб утилган маблагларни беришга банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахassisларнинг мавжудлиги;

шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала хукукий лаёкат ва ваколатлар;

танлов объектига ухшаш объектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги;

уз кучлари билан илгари бажарилган иш ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар;

танлов объектида уз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мўлжалланаётган ҳажми (50 фойиздан кам бўлмаган ҳолда);

Низом маблағи миқдори.

3.3. Агар танлов предмети бұлған ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлик фаолият қонунчилікка биноан лицензиялаштириши зарур булса, танловда иштирок этиш учун белгиланған тартибға мувофиқ тегишли лицензияга зәға бұлған талабгорларга рухсат этилади.

3.4. Құйидаги талабгорларға танлов жараёнларыда иштирок этишга рухсат берилмайды:

қайта ташкил этилиш (ажратилиши, қүшилиш), тугатиши ёки банкротлик араfasida турғаптар; мол-мұлқи мусодара қилинғанлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шактда ифодаланған бевосита ташкилий-хуқуқий ёки бир бириға молиявий қарамлиги мавжудлар.

3.5. Танлов иштирокчилари – талабгор ташкилотлар танлов предметининг лойиха хужжатлари, хусусан, лойиханы график қисми (чизмалари) билан танишиб чиқиш ва танлов таклифини тузиш учун буюртмачига (танлов ташкилотчисига) тақдим этилиши ҳақида мурожаат килишга ҳақлидирлар.

#### **4. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ**

4.1. Иштирокчилар уз таклифларини электрон қуринишда ([etender.uzex.uz](http://etender.uzex.uz)) порталига электрон танловлар үтказиш учун жойлаштиришли лозим:

4.2. Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва хужжатлар, маълумотлар “Буюртмачи” ва “Иштирокчи” ихтиёрига кура үзбек тилида тақдим этилиши мумкин.

4.3. танлов хужжатларыда құйидагилар тақдим этилиши лозим:

- Техник қисм, “Буюртмачи” томонидан құйилған техник талабларни ва бажариладиган иш ва хизматлар күрсатилиши керак;
- Нархлар қисми, Танлов шартларыда белгиланғап нархлар доирасида, хизматларни бажариш муддатлари, тұловлар тартиби ва якуний тұловлар ва бошқа боғлик күрсаткичлар курсатылған булиши керак.

4.4. Құйидаги хужжатлар тулиқ булиши талаб этилади:

Техник ва нархлар буйича құйидаги таклифлар:

- Техник тақлиф, Фирменний бланкада имзоланған, номерланған ва мухрланған холда;

4.5. Танлов иштирокчиси:

- фақат битта тақлиф бериши мумкин;
- тақдим этилаётган хужжатларнинг ҳақиқиyyетligi ва маълумотларнинг ҳақкониyyетligiga тулиқ жавобгар булади;
- тақлифлар бериш муддати тугагунга қадар уз тақлифларини қайтараб олиш ёки үзгартырыш киритиш хуқуқига зәға.

#### **6. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛIGI**

6.1. Давлат харидлари түгрисидаги Қоңын талабларини бузған шахслар қонунчилікда белгиланған тартибда жавобгар буладылар

6.2. Харид комиссияси давлат харидлари буйича қонунчилікда белгиланған тартибдағолиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланған қарор қабул қилиш буйича мажбурдир.

6.3. Танлов иштирокчиси тақдим этилған барча хужжатларни ҳақиқиyyетligi ва түғрилиға жавобгардир. Ғолиб иштирокчи деб топилғандап сүрг қонунчилікда белгиланған тартибда давлат буюртмачиси билан үрнатылған тартибда ва муддатларда шартнома тузишта мажбурдир.

#### **7. БОШҚА ШАРТЛАР**

7.1. Давлат буюртмачиси танлов хужжатларига үзгартишлар киритиш тұғрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар беріш муддати тугайдын санадан камида уч күн олдин қарор қабул қилишга ҳақли. Товарни (ишни, хизматни) үзгартыришга йул қўйилмайды. Бунда ушбу танловда таклифлар беріш тугайдын муддат танлов хужжатларига үзгартышлар киритилган санадан эътиборан камида ўн кунга үзайтирилиши керак. Шу билан бир вактда, агар эълонда кўрсатилган ахборот үзгартырилган бўлса, танлов үтказиш тұғрисидаги эълонга үзгартышлар киритилади.

7.2. Танлов иштирокчиси танлов хужжатлари қоидаларини танлов үтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига сўров юборишига ҳақли. Сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида давлат буюртмачиси, агар мазкур сўров давлат буюртмачисига таклифлар беріш муддати тугайдын санадан камида икки кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу сировга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов хужжатларининг қоидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун-моҳиятини үзгартирмаслиги керак.

7.3. Таклифларни куриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади ҳамда ундан олинган кучирма у имзоланган кундан эътиборан маҳсус ахборот порталида эълон килинади.

7.4. Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни куриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон килинганидан сунг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш тұғрисида сўров юборишига ҳақли. Давлат буюртмачиси бундай сўров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичида танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни тақдим этиши шарт.

7.5 Танлов натижалари бўйича шартнома танлов хужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган тақлифда кўрсатилган шартлар асосида тузилади

## № 1илова

### Танловга тақдим этиладиган хужжатлар руйхати

- 1.Ушбу танлов хужжатларига кафолат хати.(ф-2)
- 2.Танлов иштирокчиси тұғрисида умумий маълумот (ф-3).
- 3.Давлат руйхатидан утганлиги тұғрисида гувохнома, лицензия ва мазкур ишларни бажариш бўйича рухсат берувчи хужжатлар нусхалари.
- 4.Мавжуд техникалар, маҳсус ихтисослаштирилган асосий воситалар тұғрисида маълумот.

5.Молиявий курсаткичлари.

6.Мазкур соҳада бажарилган ишлар бўйича камида 1 йиллик иш тажрибаси туғрисида маълумот.

7.Мутахассисларнинг мазкур соҳадаги иш стажлари туғрисида маълумот (5-10 йиллик стажлар ижобий қаралади)

8.Тижорий таклифларни баҳолаш (хизматлар балл система томонидан)

*Форма № 2*

*ИШТИРОКЧИ МАҲСУС БЛАНКАСИДА*

*№:* \_\_\_\_\_  
*Сана:* \_\_\_\_\_

**Харид комиссияси раисига**

**КАФОЛАТ ХАТИ**

Ушбу оркали шуни маълум киламизки, \_\_\_\_\_ (корона номи)

- Тугатиш, кайта ташкил этиш ёки банкротлик ёкасида эмаслиги;
- Суд ёки арбитраж мухокамалари холатида эмаслиги;
- Муқаддам тузилган шартномалар доирасида мажбуриятларни бажармаслик холатлари мавжуд эмаслиги;
- «Инсофиз ижрочилар» ягона реестрида эмаслиги;
- Иш хаки, солик ва бошқа давлат мажбурий туловларидан муддати утган карздорлиги мавжуд эмаслигини тасдиқлаймиз.

Имзолар:

Рахбар: \_\_\_\_\_ (ф.и.о) \_\_\_\_\_

Бош хисобчи \_\_\_\_\_ (ф.и.о) \_\_\_\_\_

Хукукшунос \_\_\_\_\_ (ф.и.о) \_\_\_\_\_

Форма № 3

#### Иштирокчи тугрисида тулик умумий маълумотлара

1	Юридик ташкилотнинг туликноми, ташкилий хукукий формаси курсатилган холда	
2	Давлат руйхатидан утганлик тугрисида гувохнома (санаси, руйхатдан утганлик раками, руйхатдан утказилган орган номи)	
3	Юридик манзили	
4	Контакт телефон, факс, e-mail	
5	Банк реквизитлари	
6	Асосий фаолият тури	

**Талаб килинаётган ёки ухшаш турдаги хизматларни бажариш тажрибаси түгрисида  
маълумот**

№	Хизматлар номи	Буюртмачи номи ва манзили, телефон раками	Бажарилган санаси, суммаси	Изоҳ

(ваколатлишахсимзоси)

(ваколатлишахсф.и.о, лавозими)

Сана: «\_\_» 20 \_\_ й.

**Илова №2**

**Таклифларни техник ва нархлар буйича баҳолаш.**

Харид комиссияси томонидан берилган эълон юзасидан курсатилган муддатда иштирокчилардан электронний шаклда келиб тушган таклифлар дастлаб техник жихатдан баҳоланади. Комиссия томонидан электронний шаклда келган таклифлар, техник баҳолаш утказилгандан сунг куйидаги критерийларга асосан нархлар буйича баҳоланади.

**Танлов таклифларини ҳамда иштирокчиларни малакавий баҳолаш  
КРИТЕРИЙЛАРИ**

№	Критерийларноми, мазмунни	Форма	Энгюкори балл	% хисобида
1.	Ушбу танлов хужжатлари буйича кафолат хати (форма №2)	Форма №2	3	90%
2.	Танлов иштирокчиси түгрисида умумий маълумот (форма №3)	Форма №3	3	
3.	Давлат руйхатидан утганлиги түгрисида гувохнома, лицензия, хизмат курсатиш учун рухсат этувчи хужжатлар нусхалари		4	
4.	Мавжуд техника ва механизмлар, ш.ж. программ-маҳсулотлар, мазкур ишларни бажариш учун ихтисослашган асосий воситалар мавжудлиги түгрисида маълумот.		20	
5.	Молиявий курсаткичлари.		10	
6.	Охирги 1йил давомида шу соҳада бажарилган ишлар буйича ортирилган иш тажрибаси.		10	
7.	Мутахассисларнинг амалий иш тажрибаси ва уртача иш стажи		10	
8.	Ишларни бажариш буйича берилган нархлар таклифи. (система томонидан)			10 %